

Yagona Vatan, yagona xalq bo'lib, yangi hayot va kelajak yaratamiz!

CHIRCHIQTONGI

Toshkent viloyati Chirchiq shahri
hokimligining ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

2026-yil, 3-iyul juma
27-son (10326)



Chirchiq tongi gazetasi



chirchiq_tongi_gazetasi



https://t.me/chirchiq_tongi_telegram_sahifasi

2-iyul kuni
O'zbekiston
Respublikasi
Davlat gerbi qabul
qilinganiga

34

yil to'ldi

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

“ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ” ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз истиқлолининг миллий давлатчилигимиздаги роли ва Янги Ўзбекистони-мизнинг бугунги ва келгуси тараққиётидаги аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигини мамлакатимизнинг улкан салоҳияти ва жаҳон майдонидаги юксак нуфузига муносиб тарзда нишонлаш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Мустақиллик – мард ва олижаноб халқимизнинг қатъий иродаси, истиқлол йўлида кураш олиб борган фидойи аждодларимизнинг жасорати ва матонати билан қўлга киритилган, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу ишларимизнинг асоси, келажақ авлодларимиз учун безавол етказишимиз шарт бўлган буюк ва муқаддас қадриятдир.

Айнан истиқлол туфайли янгиланган конституциямиз ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси асосидаги тараққиёт йўлимиз юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инсон қадр-қимматини улуғлаш,

жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, буюк тарихимиз ҳамда миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, минтақамизда яхши кўшничлик муносабатларини қарор топтириш, мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ортмоқда, онгу тафаккури ва дунёқараши янгиланмоқда.

Бу борадаги ишларимизни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш, шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудрати ва салоҳияти, жаҳон майдонидаги нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг кўп йиллик фидокорона меҳнати, юксак касбий маҳора-

ти ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки билан эл-юрт хурматига сазовор бўлган ватандошларимизни муносиб тақдирлаш мақсадида:

1. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонлари ҳамда уларнинг гувоҳномалари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2026 йил 25 июнь

2

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БОСҚИЧДА

Мустақиллик солномаси

2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон тараққиёти тарихида мутлақо янги саҳифа очилди. Бу давр мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида, хусусан, ташқи сиёсат соҳасида туб бурилиш ясаган босқич сифатида намоён бўлди. Юртимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, дунё давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда халқ манфаатларига хизмат қиладиган очиқ сиёсат юритиш давлат тараққиётининг муҳим устувор йўналишига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган очиқлик, прагматизм ва яхши кўшничлик тамойилларига асосланган ташқи сиёсат қисқа вақт ичида ўз самарасини берди. Ўзбекистон халқаро майдонда ишончли ҳамкор, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшаётган давлат сифатида эътироф этила бошлади. Мамлакатимиз овози халқаро минбарларда янада баралла янгради, ташаббуслари эса жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди.

Ташқи сиёсатдаги муваффақиятлар мамлакат ичкарасидаги кенг қўламли ислохотлар билан уйғун ҳолда амалга оширилди. Бугун юртимиз аҳолиси Ватанимизда кечаётган улкан ўзгаришларни ўз ҳаёти мисолида ҳис этмоқда. Янги уйлар, янги мактаблар, замонавий шифохоналар, обод маҳаллалар ва кенг қўламли бунёдкорлик ишлари одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Энг муҳими, давлат сиёсати марказига инсон манфаати қўйилди. “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил ҳаётнинг барча соҳаларида ўз ифодасини топди. Бугун ҳар бир фуқаро ўзининг дарди, муаммоси ва таклифи давлат эътиборида эканини ҳис этмоқда. Бу эса халқ билан давлат ўртасидаги ишонч кўприги мустаҳкамланаётганининг яққол

далилидир.

Мамлакатда яратилган қўлай инвестиция муҳити натижасида жаҳон сармояси Ўзбекистонга кенг кириб келмоқда. Илгари бўш турган ҳудудларда замонавий корхоналар қад кўтармоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда, илғор технологиялар жорий этилмоқда. Ҳар бир янги завод, ҳар бир янги лойиҳа ортида юзлаб, минглаб оилаларнинг фаровон ҳаёти мужассамдир.

Албатта, бу ўзгаришлар ўз-ўзидан юз бергани йўқ. Ҳар бир ютуқ замирида халқ манфаатини устувор деб билган, эл дарди билан яшайдиган ва мамлакат келажаги учун тинмай меҳнат қилаётган раҳбарнинг қатъий сиёсий иродаси мужассам. Бугун амалга оширилаётган ҳар бир ислохот инсон ҳаётини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Яқин ўтмишга назар ташласак, меҳнат фаолиятини давом эттираётган пенсионерлар ўз нафақасининг ярминигина оларди. Бу қўллаб-қувватлашнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўларди. Бугун эса адолат қарор топди. Пенсионерлар ўз нафақасини тўлиқ оладиган бўлди. Бу ўзгариш нафақат иқтисодий, балки маънавий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, инсон қадрининг юксалаётганини кўрсатади.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиб, билим ва салоҳияти, ташаббускорлиги, интилиши ҳамда самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ иқтидорли ёшлар ушбу нуфузли давлат мукофоти билан тақдирланди.



МУКОФОТ МУБОРАК

Қувонарлиси, мукофот соҳиблари орасида Тошкент вилояти вакиллари ҳам бор. Жумладан, Халмаханов Айтжан Даниёр ўғли – Чирчиқ олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг 2-босқич талабаси;

Ларин Евгений Алексеевич – Тошкент давлат тиббиёт университети-нинг 6-босқич талабаси.

Мазкур давлат мукофоти юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватан раънақи ва халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ёшлар учун муносиб эътироф бўлди.

Уларга келгусида ҳам янги ютуқлар, юксак марралар ва юртимиз тараққиёти йўлидаги фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Тарих варақлари

Чирчиқ шаҳри бугун кўп миллатли, турли маданият ва анъаналар уйғунлашган йирик sanoat марказларидан бири сифатида танилган. Бироқ унинг шаклланиш тарихи ҳам ўзига хос. Дастлабки йилларда шаҳарга турли миллат вакиллари раҳбарлик қилди. Орадан қарийб 29 йил ўтгач, шаҳар тарихида янги саҳифа очилди. Илк бор уни ўзбек миллати фарзанди раҳбар этиб сайланди.

Ана шу тарихий вазифа зиммасига юкланган инсон Фаттоҳ Ёқубов эди. У 1923 йил 10 декабрь кuni Тошкент шаҳрининг қадимий Себзор даҳасининг “Тонновбоши” маҳалласида, камтарона кун кечирувчи кичик савдогар оиласида дунёга келган. Кейинчалик у меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги ва ташкилотчилик қobiliяти билан нафақат Чирчиқ шаҳри, балки бутун мамлакат ҳаётида ўз изини қолдирган арбоблардан бирига айланди.

ФАТТОҲ ЁҚУБОВ –

ЧИРЧИҚНИ БОШҚАРГАН
РАҲБАР

Фаттоҳ Ёқубовнинг отаси Абдуғафуржон тиришқоқ ва уddaбурон инсон бўлиб, савдо-сотиқ билан шуғулланарди. Онаси Маҳбуба ая эса Тошкент савдогарлари сулоласидан чиққан, меҳрибон ва оқила аёл эди.

1929 йилда Фаттоҳ Ёқубовнинг оиласи Олмаота шаҳрига кўчиб ўтишди. Уша пайтларда Турк-Сибир темир йўли қурилиши авж паллада эди. Отаси шу улкан бунёдкорлик ишларида меҳнат қилди. Ёш Фаттоҳ ҳам янги муҳитга мослаша бошлади. У 1930 йилда Олмаотадаги мактабнинг биринчи синфига қадам қўйди.

3

“Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

1. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадлари дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш, демократик ислохотларни рўйбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшган, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни янги босқичга кўтариш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, инсон қадрини улуғлаш борасидаги ишларда сидқидилдан хизмат қилаётган, кўп йиллик самарали меҳнати

билан халқимиз фаровонлигини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган юртдошларимиз, барча соҳалар вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг

номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, вазирлик, идора ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, бунга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанили вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони кўракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 25 июндаги ПФ–118-сон фармонида 2-илова

“Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони ТАВСИФИ

Олд томони



“Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони 0,25 микрокалинида олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг умумий баландлиги 58 миллиметрли ташкил этади.

Эсдалик нишонининг марказида, диаметри 24,5 миллиметрли доира ичида “Янги Ўзбекистон” боғида жойлашган

Орқа томони



“Истиқлол” мажмуаси тасвирланган бўлиб, унинг фонида Ўзбекистондаги Ислол цивилизацияси маркази ва Самарқанддаги янгиланган Имом Бухорий мажмуаси акс эттирилган.

Эсдалик нишонининг юқори қисмида баландлиги 2,5 миллиметр бўлган “O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGINING”, ўртасида баландлиги 9,5 миллиметр бўлган “35” рақами ва қуйи қисмида баландлиги 2,5 миллиметр бўлган “YILLIGI” ёзуви, унинг икки томонида эса дафна япроқла-

ри акс эттирилган. Ёзувлар ва япроқлар зарҳалланган.

Нишоннинг орқа томони марказида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Унинг пастки қисмида мустақиллиқнинг ўттиз беш йиллигини ифодаловчи “1991-2026” рақамлари ёзилган. Гербнинг диаметри 24 миллиметр, рақамларнинг баландлиги 2,6 миллиметр.

Эсдалик нишони илгакчалар ва халқача ёрдамида тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни – 24 миллиметр, баландлиги – 16 миллиметр бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги шойи лента билан қопланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдир.

Қадағичнинг орқа томонида эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўри-нишидаги мослама ўрнатилган.

чиқинди ташлаш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланиб, қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўришмоқда. Бу эса нафақат ҳуқуқбузарликларнинг камайишига, балки фуқароларнинг экологик маданиятини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Маълумки, чиқинди муаммосини фақатгина тегишли ташкилотлар саъй-ҳаракати билан тўлиқ ҳал этиб бўлмайди. Бу борада ҳар бир фуқаронинг экологик масъулият-

самизни қўша оламыз.

Ўзбекистон Экологик партияси бундан буён ҳам ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли ўртасида экологик маданиятни юксалтириш ҳамда шаҳар

х у д у д - ларининг т о з а л и - гини таъ м и н л а ш борасидаги и ш л а р н и изчил давом эттиради. Зеро, т о з а а т р о ф - м у ҳ и т – соғлом ҳаёт ва фаровон келажакнинг муҳим омилдир.

Зухриддин МИРЗАЮСУПОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси
Чирчиқ шаҳар Кенгаши
раиси

Бугунги кунда атроф-муҳит мусавффолигини сақлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш ва экологик барқарорликни таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, маиший чиқиндилар билан боғлиқ масалалар нафақат экологик, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, уларни бартараф этиш барча ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳамкорлигини талаб этади.

Чирчиқ шаҳрида ҳам ушбу йўналишда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Экологик партияси Чирчиқ шаҳар Кенгаши томонидан шаҳар Ободонлаштириш бўлими, “Махам-Чирчиқ” корхонаси ҳамда “Раҳнамо Сервис” масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда чиқиндилар билан боғлиқ муаммоларни камайитириш ва ноқонуний чиқинди тўпла-нишининг олдини олиш бўйича қатор амалий тадбирлар олиб борилмоқда.

Хусусан, шаҳар ҳудудларида аниқланган чиқинди тўпланадиган нуқталар мунтазам равишда тозала-

Шунингдек, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида замонавий кузатув камералари ўрнатиш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Ушбу камералар орқали ноқонуний равишда

КЕЛАЖАК МАСЪУЛИЯТИ БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

ФАТТОХ ЁҚУБОВ – ЧИРЧИҚНИ БОШҚАРГАН

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ИЛК РАҲБАР

Бироқ тақдир оилани яна оғир синовга рўбарў қилди. XX асрнинг 30-йилларида амалга оширилган коллективлаштириш сиёсати Қозоғистонда даҳшатли очарчиликни келтириб чиқарди. Жамиятдаги нотинчлик, сиёсий зиддиятлар ва зўравонликлар оддий одамлар тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Натижада, оила бошлиғи ўз яқинларини асраш мақсадида яна йўлга отланди. Оила туғилган юрт – Ўзбекистонга қайтишга мажбур бўлди. Шу тариқа, Фаттоҳнинг болалиги эрта ёшданоқ ҳаётнинг ачиқ синовлари билан чиникиб борди.

Улар Тошкент шахрининг қадимий Себзор даҳасидаги "Тонновбоши" маҳалласида, бобоси Ёқубжон қорининг хонадонидида истиқомат қила бошлашди. Бу уй нафақат бошпана, балки оғир кунларда оилага мадад ва таянч бўлди.

Кўплаб тенгдошлари каби Фаттоҳ ҳам ҳаётни деярли янгидан бошлашга мажбур эди. Турли кўчишлар сабаб у қайтадан мактабнинг биринчи синфига қадам қўйди. Аммо билимга чанқоқ ва тиришқоқ бола учун бу қийинчиликлар келажак йўлидаги вақтинчалик тўсиқлар эди, холос.

1933 йилда эндигина барпо бўлаётган, улкан саноат марказига айланиш арафасида турган Чирчиқ шаҳрига кўчиб келишди. Дастлаб улар Комсомольский кўрғони, собиқ Қирғиз-қулоқ ҳудудида яшашди. Фаттоҳ шу ерда таҳсилини давом эттириб, иккинчи синфдан олтинчи синфгача ўқиди.

Чирчиқда кечган бу йиллар унинг шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Янги муҳит, янги дўстлар ва мактабдаги таълим ёш Фаттоҳнинг дунёқарашини кенгайтириб, унда илмга бўлган қизиқишини янада кучайтирди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланган оғир паллада, оила ўша даврда "Чирчиққурилиш" маъмурий ҳудуди таркибига кирган Искандар қишлоғида яшади. Урушнинг машаққатли йиллари бутун мамлакат қатори бу оила ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бироқ синовларга бой бу давр Фаттоҳнинг иродасини тоблаб, уни ҳаётнинг ҳар қандай қийинчиликларига бардош бера оладиган инсон сифатида шакллантирди. Иккинчи жаҳон уруши авжига чиққан оғир паллада шаҳар ҳарбий комиссариатининг қақириви билан ёш Фаттоҳ ҳам меҳнат фронти сафига жалб қилинди.

У Сума шаҳридан эвакуация қилинган ва ўша пайтда фронт эҳтиёжлари учун жанговар ўқ-дорилар ва бошқа ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқараётган Чирчиқ машинасозлик заводига ишга юборилди. Ёш йигит механика цехида чилангар ёрдамчиси сифатида меҳнат қилди.

Заводда дам олиш кунлари деярли йўқ, иш куни эса ўн икки соатдан кам эмасди. Бироқ фронтдаги жангчилар каби орқа фронт меҳнаткашлари ҳам ғалабани яқинлаштириш учун бор куч ва ғайратларини сафарбар этган эдилар. Фаттоҳ ҳам мин-

глаб тенгдошлари қаторида ўзининг ҳалол меҳнати билан фронтни қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшди.

Ўша йилнинг сентябрь ойида унинг ҳаётида яна бир муҳим бурилиш юз берди. Фаттоҳ Харьков шаҳридан Тошкентга эвакуация қилинган Харьков ҳарбий-кимё билим юртига ўқишга юборилди. Бу даргоҳ ёш йигитнинг келгуси тақдирини муҳим ўрин тутди. Унда интизом, масъулият ва билимга чанқоқлик каби фазилатларни янада мустаҳкамлади.

1944 йилнинг май ойида Фаттоҳ ҳарбий билим юртини муваффақиятли тамомлаб, лейтенант ҳарбий унвонини олди. Ёш офицер бошқа битирувчилар билан бирга дастлаб Москва шаҳрига юборилди. Кўп ўтмай, у ердан Иккинчи жаҳон урушининг ҳал қилувчи жанглари кетаётган 3-Белоруссия фронти томон йўл олди.

Шу тариқа, унинг фронт ҳаёти бошланди. Ёш лейтенант урушнинг энг оғир ва ҳал қилувчи паллаларида иштирок этди. У Белоруссиянинг озод этилишида қатнашди, Польша, Шарқий Пруссия ҳудудларида кечган шиддатли жангларда иштирок этди. Шунингдек, Украина, Венгрия ва Австрия ҳудудларида фашист босқинчиларига қарши курашди.

Фаттоҳ турли ҳарбий қисмлар таркибидида хизмат қилди. Уруш йилларида у нафақат жанговар тажриба орттирди, балки ҳақиқий офицер сифатида тобланди. Жасорати, интизоми ва хизматга садоқати туфайли катта лейтенант, гвардия лейтенанти ва майор ҳарбий унвонларигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди.

1945 йил май куни фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалаба ҳақидаги хабарни у Прага шаҳрида кутиб олди. Аммо уруш тугаган бўлса-да, унинг ҳарбий хизмати давом этди. Фаттоҳ армия сафида яна бир неча йил хизмат қилиб, урушдан кейин Венгрия ва Германияда ҳарбий вазифаларни бажарди.

У фақат 1947 йилнинг 29 январидида Германия ҳудудида ҳарбий хизматини якунлади. Ватан ва халқ олдидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, у "1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун" медали билан тақдирланди.

Фронт йўллари, жанг майдонлари ва урушнинг ачиқ сабоқлари Фаттоҳни тоблади, уни ҳаётнинг ҳар қандай синовларига тайёр, иродали ва матонатли инсон сифатида шакллантирди.

Машаққатли йилларини, фронтнинг қонли йўллари босиб ўтган Фаттоҳ ниҳоят ўз юртига қайтди. Брест, Москва ва Тошкент орқали у Чирчиқ шаҳрига етиб келди. Бу нафақат бир ҳарбийнинг уйига қайтиши, балки тинч ҳаётга, янги орзу ва режалар сари қўйилган илк қадам эди.

Фронтда тобланган, ҳаётнинг оғир синовларидан ўтган ёш офицер энди бутун куч-ғайратини юртни тиклаш ва обод қилишга бағишлашга қарор

қилди. У Чирчиқ электрокимё комбинатида меҳнат фаолиятини бошлади. Дастлаб аппаратчи бўлиб ишлади, кейинчалик машинист ва смена бошлиғи лавозимларигача кўтарилди. Уруш майдонларида шаклланган интизом, масъулият ва матонат уни меҳнат жамоасида ҳам ажралиб турадиган инсонга айлантирди.

1948 йил 28 ноябрь куни эса Фаттоҳ Ёқубовнинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. У Муҳамедова Кимё билан турмуш қурди. Шу тариқа, янги оилага пойдевор қўйилди. Ёш келин-куёв ота-она ва ака-укалари билан бирга, жами ўн нафардан иборат катта оила бўлиб, Чирчиқ шахрининг "Зах" ҳудудидаги уч хонали уйга кўчиб ўтишди.

Торгина хонадонда истиқомат қилганига қарамай, бу уй меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик муҳити ҳукм сурган ҳақиқий оила кўрғони эди. Кейинчалик айнан шу хонадонда меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва илмга ҳурмат каби қадриятлар авлоддан авлодга ўтиб, катта бир сулоланинг маънавий пойдеворига айланди.

Урушдан кейинги йиллар Фаттоҳ Ёқубов ҳаётида янги босқични бошлаб берди. Фронтда тобланган, ташкилий ишлар ва инсонлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган ёш мутахассис тинч ҳаётда ҳам ўз салоҳиятини намоён эта бошлади.

У Чирчиқ шахрининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. Турли йилларда Чирчиқ шаҳар комсомол қўмитасининг иккинчи ва биринчи котиби, Чирчиқ шаҳар партия қўмитасида бўлим мудири, шунингдек, Чирчиқ шаҳар Компартияси қўмитаси котиби лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Фаттоҳ Ёқубовнинг ташкилотчилик қобилияти, одамлар билан ишлаш маҳорати ва зиммасига юкланган вазифаларга масъулият билан ёндашиши раҳбарият эътиборидан четда қолмади. Шу боис, 1948 йил 5 декабрь куни у Чирчиқ шаҳар комсомол қўмитаси – шаҳар ёшлар ташкилотининг биринчи котиби этиб сайланди.

Бу вазифа ёш раҳбар учун катта ишонч ва юксак масъулият эди. Урушдан эндигина тикланётган мамлакатда ёшларни меҳнатга, ватанпарварликка, билим олиш ва бунёдкорликка сафарбар этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланарди. Фаттоҳ Ёқубов ана шу масъулиятли вазифани муносиб адо этиб, шаҳар ёшлари орасида катта обрў қозонди.

Унинг фаолияти давомида комсомол ташкилоти нафақат ёшларни бирлаштирувчи тузилма, балки уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган, меҳнат ва жамоат ишларида жалб этадиган муҳим ижтимоий мактабга айланди.

Айнан шу йилларда Фаттоҳ Ёқубовнинг раҳбарлик салоҳияти янада сайқал топиб, унинг кейинги фаолияти учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

(Давоми кейинги сонда.)

Шаҳримизда кибержиноятлар содир этилиш хавфи юқори бўлган, "қизил" тоифага киритилган "Ифтихор" маҳалла фуқаролар йиғинида тарғибот тадбири ташкил этилди.

Унда Тошкент вилояти ИИББ Кибержиноятларга қарши курашиш бошқармаси инспектори, шаҳар ҳокимлиги масъуллари ҳамда маҳалла раиси иштирок этди.



Тадбир давомида фуқароларнинг киберхавфсизлик борасидаги ҳуқуқий ва ахборот саводхонлигини оширишга қаратилган тушунтириш ишлари олиб борилди. Иштирокчиларга интернет ва ижтимоий тармоқларда учраётган фирибгарлик ҳолатлари, банк карталари ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, шубҳали ҳаволалар ҳамда телефон кўнғироқларидан эҳтиёт бўлиш масалалари юзасидан батафсил тавсиялар берилди.

Якунда мутахассислар фуқароларни қизиқтирган саволларга жавоб бериб, кибержиноятлардан ҳимояланишнинг самарали усулларини тушунтириб ўтдилар.

СУВДА ҲАМ ҚОНУН УСТУВОР

Ўзбекистонда сув объектларида хавфсизликни таъминлашга ихтисослаштирилган илк махсус бўлинманинг айнан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида ташкил этилгани мамлакатимизда хавфсиз туризм тизимини ривожлантириш йўлидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Мазкур ташаббус сув транспорти ҳаракатини самарали назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда маҳаллий аҳоли ва хорижий сайёҳлар хавфсизлигини таъминлашда янги босқични бошлаб берди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 сентябрдаги "Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги сув объектларида сув транспорти воситаларидан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 569-сонли қарорига мувофиқ, Бўстонлиқ тумани Ички ишлар бошқармаси Хавфсиз туризмни таъминлаш бўлими таркибидида "Сув объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмаси" ташкил этилди.

Мазкур бўлинма республикада ўхшаши мавжуд бўлмаган замонавий тизим сифатида ўз фаолиятини бошлади. Унинг асосий вазифалари сув ҳавзаларида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фавқулодда ҳолатларни барвақт аниқлаш, сув транспорти ҳаракатини назорат қилиш ҳамда сайёҳлар учун хавфсиз муҳит яратишдан иборат.

Бўлинма шахсий таркиби замонавий техника ва махсус воситалар билан таъминланган бўлиб, ҳодимлар кечаю кундуз хизмат олиб бормоқда. Улар сув объектларида қонун устуворлигини таъминлаш, дам олувчилар хавфсизлигини муҳофаза қилиш, сув транспорти воситаларининг белгиланган

тартиб-қоидаларга риоя этишини назорат қилиш каби вазифаларни масъулият билан амалга оширмоқда.

Айни пайтда Чорвоқ сув омборида жами 170 та сув транспорти воситаси фаолият юритмоқда. Улар таркибига 60 та катер, 95 та гидроцикл, 2 та кема ва 13 та моторли қайиқ қиради. Ушбу техникаларнинг 127 таси миллий GPS-monitoring тизими-га уланган бўлиб, жумладан, 60 та катер ва 67 та гидроциклнинг ҳаракати онлайн режимда мунтазам кузатиб борилмоқда.

Келгусида ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам босқичма-босқич жорий этиш орқали ягона ва самарали бошқарув механизмини шакллантириш режалаштирилган.

Инсон ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш Янги Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Сув объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмаси ана шу йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Жавоҳир МИРЗАЕВ,
Тошкент вилояти ИИББ
Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси Жамоат тартибини сақлаш гуруҳи катта инспектори, лейтенант

В условиях стремительных перемен именно молодежь становится главной опорой будущего страны. От ее знаний, нравственных ориентиров, гражданской позиции и любви к Родине во многом зависит дальнейшее развитие государства.

ПАТРИОТИЗМ ФОРМИРУЕТСЯ ДЕЛОМ

Патриотизм – это не только искреннее чувство любви к своей стране. Это уважение к ее истории, культуре и традициям, готовность честно трудиться, добросовестно учиться, нести ответственность за свои поступки и вносить вклад в процветание Родины.

Основы патриотизма закладываются в семье, развиваются в образовательных учреждениях и укрепляются благодаря общественным инициативам. Особое значение имеет сохранение исторической памяти. Молодое поколение должно знать историю своего народа, помнить подвиги предков и осознавать ответственность за будущее своей страны.

Сегодня патриотизм проявляется прежде всего в конкретных делах: стремлении к знаниям, участию в общественной жизни, волонтерской деятельности, заботе об окружающей среде и профессиональном росте.

Значительную роль в воспитании будущих защитников Родины играет кафедра технического обеспечения Института Сухопутных войск. Здесь готовят не только высококвалифицированных военных специалистов, но и офицеров, обладающих высоким чувством долга, дисциплиной, ответственностью и преданностью своей стране.

Курсанты осваивают современные образцы вооружения и военной техники, изучают вопросы эксплуатации, обслуживания и ремонта техники, приобретают практические навыки технического обеспечения войск. Такой подход позволяет будущим офицерам глубже осознать значение своей профессии и ее роль в укреплении обороноспособности государства.

Особое внимание уделяется прак-

тической подготовке. Учебно-полевые занятия, технические тренировки, участие в научно-исследовательской работе способствуют развитию профессионального мастерства, организованности и готовности выполнять служебные задачи в любых условиях.

Кафедра активно развивает научный потенциал курсантов. Под руководством преподавателей они участвуют в научно-практических конференциях, конкурсах и исследовательских проектах, посвященных совершенствованию технического обеспечения войск. Это помогает формировать инициативность, аналитическое мышление и стремление внедрять современные технические решения.

Важной частью воспитательной работы являются встречи с ветеранами Вооруженных Сил, военнослужащими и представителями оборонной промышленности. Такое общение укрепляет связь поколений, воспитывает уважение к воинским традициям и способствует формированию настоящего патриотического мировоззрения.

Сегодня Вооруженные Силы нуждаются в офицерах нового поколения – профессионально подготовленных, технически грамотных и преданных своему Отечеству. Именно таких специалистов готовит кафедра технического обеспечения, успешно сочетая качественное образование, научную деятельность и патриотическое воспитание.

Любовь к Родине начинается с уважения к своей семье, своему народу, родному городу и истории своей страны. Воспитывая эти качества у молодежи, мы создаем надежную основу для мира, стабильности и дальнейшего процветания государства.

Арсен АБДУЛГАНИЕВ,
преподаватель кафедры технического обеспечения Института Сухопутных войск, подполковник

ОСНОВЫ СОВРЕМЕННОЙ АРМИИ

В условиях современной глобализации инновационные подходы приобретают особую значимость и в военной сфере. Современная армия развивается, опираясь не только на высокий уровень физической подготовки, но и на интеллектуальный потенциал военнослужащих, освоение передовых технологий и способность к инновационному мышлению. В этом процессе важную роль играют идеи курсантов военных образовательных учреждений. Именно молодое поколение быстрее осваивает новые технологии, нестандартно мыслит и стремится внедрять современные решения в практическую деятельность.

В последние годы среди инициатив, предлагаемых курсантами, особого внимания заслуживают проекты, связанные с использованием цифровых технологий, автоматизированных систем управления, виртуальных тренажеров и беспилотных летательных аппаратов.

Так, применение технологий виртуального моделирования в учебном процессе позволяет безопасно и эффективно формировать практические навыки будущих офицеров. Подобные инновационные решения максимально приближают обучение к реальным условиям, одновременно обеспечивая рациональное использование времени и материальных ресурсов.

Большой практический интерес представляют также мобильные приложения и цифровые платформы, разрабатываемые курсантами для совершенствования военной подготовки. Их использование способствует развитию аналитического мышления, умения быстро принимать решения и эффективно взаимодействовать в составе подразделения.

Инновационные идеи курсантов не только совершенствуют образовательный процесс, но и способствуют повышению эффективности военной службы. Предлагаемые молодыми специалистами решения позволяют более

рационально использовать технические средства, совершенствовать системы обеспечения безопасности и оптимизировать процессы управления. Всё это является важным фактором дальнейшего развития современной армии.

Подводя итог, следует отметить, что инновационные идеи военных курсантов во многом определяют будущее Вооруженных Сил. Их инициативы способствуют повышению качества военного образования, совершенствованию практической подготовки и укреплению обороноспособности страны. Поэтому поддержка инновационного мышления курсантов, поощрение их научно-технических инициатив и внедрение перспективных разработок в практику остаются одними из наиболее актуальных задач развития современной армии.

Бахтиёр ЮНУСОВ,
Заведующий кафедрой общетехнических и естественных наук, доктор философии по техническим наукам

Представьте себе обычный семейный вечер. Родители и дети находятся рядом, но каждый погружен в экран своего смартфона. Особенно тревожно, когда ребёнок, ещё не научившись свободно говорить, уже уверенно листает короткие видеоролики. Смартфон постепенно становится самым доступным и одновременно самым влиятельным «воспитателем».

Многие родители уверены, что если ребёнок дома, значит, он в безопасности. Однако физическая близость не всегда означает безопасность. Погружаясь в цифровое пространство, ребёнок оказывается под влиянием алгоритмов социальных сетей, которые формируют его интересы, привычки и поведение. Это уже не просто вопрос воспитания, а проблема, напрямую связанная с полноценным развитием мозга и будущим подрастающего поколения.

На протяжении тысячелетий человеческий мозг развивался по естественному принципу: удовольствие являлось результатом приложенных усилий. Когда ребёнок читает, рисует, играет или решает задачи, формируются настойчивость, самоконтроль и способность достигать поставленных целей. Современные цифровые платформы предлагают совершенно иной механизм: яркие изображения, короткие ролики и бесконечный поток развлечений обеспечивают мгновенное удовольствие без усилий. Постепенно ребёнок теряет интерес к чтению, учёбе и творчеству, а виртуальная среда становится привычной потребностью.

Специалисты отмечают, что чрезмерное

использование гаджетов отрицательно влияет на внимание, память, логическое мышление и речевое развитие. Всё больше детей испытывают трудности при чтении больших текстов, анализе информации и выполнении заданий, требующих

сосредоточенности. У маленьких детей нередко наблюдается задержка речи, поскольку экран не способен заменить живое общение и полноценный диалог. Цифровая зависимость отражается и на физическом здоровье. Длительное использование смартфонов способствует нарушению осанки, развитию синдрома «смартфонной шеи», ухудшению зрения и нарушениям сна. Голубой свет экранов подавляет выработку мелатонина, из-за чего ребёнок позднее засыпает, хуже отдыхает и быстрее утомляется.

Полностью отказаться от современных технологий невозможно, однако

родители могут значительно снизить их негативное влияние. Важно не только ограничивать экранное время, но и создавать в семье здоровую цифровую культуру. Следует больше общаться с ребёнком, интересоваться его увлечениями, отказываться от использования гаджетов во время семейных ужинов и перед сном, а также предлагать достойную альтернативу виртуальному миру: прогулки, спорт, чтение, творчество, настольные игры

и совместный отдых.

Будущее наших детей зависит не только от развития технологий, но прежде всего от атмосферы в семье. Любовь родителей, их внимание, личный пример и живое общение остаются самой надёжной защитой ребёнка в цифровую эпоху. Именно семейные ценности помогают воспитать личность, которая будет использовать современные технологии разумно, а не становиться их заложником.

Умида РУЗИЕВА,
доцент кафедры языков Института Сухопутных войск Университета военной безопасности и обороны

В современных условиях развития Вооруженных Сил особое значение приобретает инициатива и инновационное мышление молодых военных кадров. Курсанты военных образовательных учреждений не только осваивают теоретические знания, но и активно предлагают новые идеи и практические решения, закладывая основу армии будущего. Их инициативность способствует развитию самостоятельного мышления, формированию лидерских качеств и способности принимать эффективные решения в сложных условиях.

Среди инновационных предложений курсантов особое место занимает внедрение цифровых технологий, автоматизация учебного процесса и применение современных технических средств подготовки. Так, использование виртуальных тренажеров позволяет вывести практическое обучение на качественно новый уровень. Подобные технологии создают условия, максимально приближенные к реальной обстановке, помогают анализировать допущенные ошибки и совершенствовать навыки оперативного принятия решений.



Немаловажную роль играют и проекты, реализуемые по инициативе самих курсантов. Использование электронных карт, мобильных приложений и интерактивных образовательных платформ значительно повышает эффективность самостоятельной подготовки. Такой подход способствует системному развитию профессиональных знаний и профессиональных навыков будущих офицеров, укрепляет умение работать в коллективе и быстро оценивать складывающуюся обстановку.

Поддержка инициатив курсантов является одной из важных задач военных образовательных учреждений. Этому способствуют конкурсы инновационных проектов, научно-практические конференции, а также организация исследовательской и проектной деятельности. Подобные мероприятия позволяют молодым военнослужащим раскрыть свой творческий потенциал, освоить современные технологии и успешно внедрять их в практику.

Подводя итог, можно с уверенностью сказать, что инициатива курсантов – один из ключевых факторов формирования армии будущего. Инновационное мышление, стремление к поиску новых решений и активная жизненная позиция молодых военных специалистов способствуют дальнейшей модернизации Вооруженных Сил и укреплению их потенциала. Именно поэтому поддержка перспективных инициатив курсантов, развитие их научно-технических проектов и внедрение лучших разработок в практическую деятельность остаются важнейшими направлениями совершенствования современной армии.

Ихтиёр АЛЛАБЕРДИЕВ,
преподаватель кафедры общетехнических и естественных наук

КЕЛАЖАК ЎҚИТУВЧИСИ: БИЛИМ, МАҲОРАТ ВА ИННОВАЦИЯ

Бугун таълим тизими олдидagi энг муҳим вазифалардан бири – замон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош ва юксак маънавиятли педагогларни тайёрлашдир. Ахборот технологиялари жадал ривожланаётган, сунъий интеллект таълим жараёнига кенг кириб келаётган бугунги шароитда ўқитувчи фақат билим берувчи эмас, балки ёш авлоднинг тафаккурини шакллантирувчи, миллий қадриятлар ва замонaviй билимларни уйғунлаштирувчи етакчи шахс сифатида майдонга чиқмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Чирчиқ давлат педагогика университетида ишлаб чиқилган “Келажак ўқитувчиси” концепцияси педагог кадрлар тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

Концепция мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, миллий ва халқаро тажрибалар ҳамда меҳнат бозорининг замонaviй талаблари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур концепцияда келажак педагогининг касбий билими билан бир қаторда, унинг шахсий фазилатлари, илмий-тадқиқот салоҳияти, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш кўникмалари, жамоада ишлаш маданияти, мулоқот компетенцияси ва ижодий фикрлаш қобилиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу ёндашув, айниқса, филологик таълим учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро, она тили ва адабиёт ўқитувчиси нафақат дарсликдаги билимларни етказувчи, балки миллатнинг тил бойлиги, маънавий мероси ва миллий ўзлигини келажак авлодга етказувчи маърифатпарвар шахс ҳисобланади. Шунинг учун филолог-педагогни тайёрлашда замонaviй компетенцияларни миллий қадриятлар билан уйғунлаштириш устувор вазифалардан бирига айланмоқда.

Чирчиқ давлат педагогика университетида таклиф этилган “Келажак ўқитувчиси модели” айнан шу мақсадга хизмат қилади. Модел филологик таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, бўлажак она тили ва адабиёт ўқитувчиларида қуйидаги асосий компетенцияларни шакллантиришни назарда тутди.

Бўлажак педагог ўзбек тили ва адабиётини чуқур билиши, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг замонaviй йўналишларини эгаллаши, миллий ва жаҳон адабиётини қиёсий таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлиши лозим.

Иккинчи муҳим йўналиш – педагогик маҳорат. Замонаviй ўқитувчи интерфаол таълим технологияларини қўллай олиши, талабаларда мустақил ва танқидий фикрлашни ривожлантириши, ҳар бир ўқувчининг қобилияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ёндашувни амалга ошириши зарур.

Бугунги рақамли даврда рақамли саводхонлик ҳам асосий талаблардан бири ҳисобланади. Онлайн таълим платформалари билан ишлаш, электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш, сунъий интеллект имкониятларини таълим жараёнига татбиқ этиш, рақамли адабий мерос билан ишлаш олиш каби кўникмалар келажак филолог-ўқитувчисининг муҳим устунликларига айланмоқда.

Моделда ижодкорлик ва лидерлик ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Янги ўқув-методик материаллар яратиш, китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш, адабиёт кечалари, шеърят танловлари ва маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш каби фаолиятлар педагогнинг ташаббускорлиги ва етакчилик салоҳиятини намоён этади.

Шунингдек, шахсий фазилатлар ҳам моделнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Нутқ маданияти, юксак маънавият, маданиятлараро бағрикенглик, масъулият, ҳалоллик ва доимий ўз устида ишлашга интилиш каби сифатлар замонaviй филолог-педагогнинг касбий қиёфасини белгилайди.

Дарҳақиқат, келажак филолог-ўқитувчисини тайёрлаш – бу фақат малакали мутахассисни эмас, балки миллатнинг маънавий келажagini шакллантирувчи шахсни тарбиялаш демакдир. Шу боис, мазкур модел педагогнинг касбий, маънавий ва шахсий камолотини бир бутун тизим сифатида қараб, таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Бугун Чирчиқ давлат педагогика университетида

мазкур концепцияни таълим жараёнига изчил татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Университет ректори, Ўзбекистон Фан арбоби Ғафуржон Муҳамедов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ томонидан концепция тамойилларини ўқув жараёнига чуқур жорий этиш, педагогларнинг касбий салоҳиятини юксалтириш ва моделнинг амалий самарадорлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

“Келажак ўқитувчиси” модели, бир томондан, касбий малака ва билимларни чуқурлаштиришга йўналтирилган бўлса, иккинчи томондан, ўқитувчининг шахсий фазилатлари ва ижтимоий фаоллигини ҳам ривожлантиришга хизмат қилади.

Энг асосийси, бу концепция филология йўналишидаги бўлажак педагогларни тайёрлаш жараёнига ҳам бевоқиф татбиқ этилмоқда. Чунки тил ва адабиёт фани ўқитувчиси – бу нафақат билим берувчи, балки ўқувчининг тафаккурини, дунёқарашини ва маънавиятини шакллантирувчи етакчи шахсдир.

Шундай экан, келажак филолог ўқитувчиси бир вақтнинг ўзига илмий изланиш олиб борувчи, тил маданиятини тарғиб қилувчи, адабиёт орқали инсон қалбига йўл топа олувчи, замонaviй технологияларни ўзлаштирган етук мутахассис бўлиши лозим.

Биз таклиф этаётган “Келажак ўқитувчиси модели” филологик таълим йўналишининг ўзига хос талаблари ва вазифаларидан келиб чиққани боис, уни мазкур соҳа контекстида ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси тил маданияти ва миллий қадриятларни авлоддан-авлодга узлуқсиз равишда етказувчи, адабиёт воситасида ёшлар тафаккурида маънавий-ахлоқий мезонларни шакллантирувчи шахсдир.

Бугунги кунда таълим сифатини ошириш, ўқитувчи касбининг нуфузини юксалтириш ва рақобатбардош педагог кадрларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бирига айланган. “Келажак ўқитувчиси” модели ана шу эзгу мақсадларга хизмат қиладиган замонaviй ва ҳаётий дастур сифатида филологик таълим тараққиёти учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўлмас САИДОВ,
ЧДПУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси мудир,
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент

ТАЪЛИМДА МИЛЛИЙ ОҲАНГЛАР

Бугунги глобллашув даврида ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш таълим тизимининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу борада халқ оғзаки ижодининг бебаҳо намунаси бўлган халқ кўшиқлари алоҳида ўрин тутди. Чунки уларда халқимизнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, эзгу орзу-интилишлари, ахлоқий қарашлари ва маънавий қадриятлари ўз аксини топган. Халқ кўшиқлари ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, дўстлик, инсонпарварлик каби фазилатларни шакллантиришда муҳим тарбиявий восита ҳисобланади. Шунингдек, уларни қуйлаш болаларнинг эстетик дидини ривожлантиради, нутқ маданиятини, мусикий қобилиятини ва ижодий тафаккурини юксалтиради. Дарс ҳамда маънавий-маърифий тадбирларда халқ кўшиқларидан самарали фойдаланиш таълим-тарбия жараёнининг мазмун ва самарадорлигини оширади.

Айниқса, бугунги ахборот оқими кучайган даврда ёшларни турли ёт ғоялардан асраш, уларда мустаҳкам маънавий

иммунитетни шакллантиришда халқ кўшиқларининг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Зеро, миллий қадриятларни қалбига сингдирган ёшлар ўзлигини англаган, Ватанга садоқатли ва комил инсон бўлиб вояга етади.

Шаҳримиздаги 20-умумий ўрта таълим мактабида она тили ва адабиёт ҳамда ўзбек тили дарслари, шунингдек, маънавий-маърифий тадбирларда халқ кўшиқларидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Бу орқали ўқувчиларда миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, ота-онага эҳтиром, меҳнатсеварлик ва инсонийлик фазилатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий ўқув йилида мактабнинг 5-“Г” синфида “Ўзбек халқ кўшиқлари” мавзусида маҳорат дарси ташкил этилди. Машғулот давомида ўқувчиларга халқ кўшиқларининг келиб чиқиши, уларнинг турлари – маросим, меҳнат ва болалар кўшиқлари ҳақида назарий маълумотлар берилди ҳамда амалий намуналар ижро этилди.

Дарс замонaviй педагогик ёндашувлар асосида ташкил этилди. Унда 4К модели (креативлик, критик фикрлаш, коммуникативлик ва ҳамкорлик), 5Е таълим модели (жалб этиш, тадқиқ этиш, тушунтириш, чуқурлаштириш ва баҳолаш), шунингдек, ролли ўйин методларидан самарали фойдаланилди. Мазкур ёндашувлар ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини ошириб, уларнинг мустақил фикрлаши, ижодий ёндашуви ҳамда жамоада ишлаш кўникмаларини янада ривожлантирди.

Машғулот давомида Малика Зухриддинова, Нозанин Исанова, Бибимуқаддас Маҳмудова, Дилшодбек Мусаев, Имона Комилова ва Мадина Махсуббаева томонидан “Ойижон”, “Лолача”, “Бойчечак”, “Ким олади”, “Ковушим” каби халқ кўшиқлари маҳорат билан ижро этилди. Ўқувчилар кўшиқларни нафақат қуйладилар, балки уларнинг мазмунини таҳлил қилиб, образларини ролли ижролар орқали жонлантирдилар. Бу эса мавзунини янада чуқурроқ англашга хизмат қилди.

Дарс якунида ўқувчилар халқ кўшиқларининг тарбиявий ва бадий аҳамияти ҳақида мустақил хулосалар чиқариб, миллий меросимизга бўлган қизиқиш ва ҳурматларини намоён этдилар.

Хулоса қилиб айтганда, халқ кўшиқлари ёш авлодни баркамол инсон этиб тарбиялашда муҳим маънавий омиллардан биридир. Шундай экан, мактабларда халқ кўшиқларини таълим ва тарбия жараёнига кенг жорий этиш, уларни ёшлар қалбига сингдириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Озода САТТАРОВА,

20-умумий ўрта таълим мактабининг олий тоифали ўзбек тили фани ўқитувчиси

Бунда ташкилот раҳбарининг шахсий кабинети орқали my.gov.uz платформасига кириб “Хизматлар” ойнасидан “Қоидабузарликни бошқа шахсга ўтказиш” бўлими танланади.

ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖАРИМА БАЛИНИ ҲАЙДОВЧИГА ҚАНДАЙ КЎЧИРАДИ?

“Хизматдан фойдаланиш” тугмасини устига босиб, оферта шартлари билан танишиб, “Кейингиси” тугмасини босади. Ташкилот СТРИ, номи, телефон рақами автоматик тўлдирилади. Яшаш ҳудудлари белгиланиб, “Танланг” тугмасини босиб, қайси автомобилни топшираётган бўлса, шуни белгилайди. Кейин бошқарувни олаётган шахснинг ЖШШИР, паспорт маълумоти, телефон рақами, “Танланг” деган жойидан шартнома ёки суғурта танланиб, бошқарувни топшириш муддати белгиланади. “Асос ҳужжат” деган жойидан ҳужжат танланиб, файлнинг ПДФ фарматдаги нусхаси юкланади. Изоҳ ёзилиб, “Юбориш” тугмаси босилади.

Масъулиятни олаётган ҳайдовчи ҳам мазкур тизимга

кириб, Face-ID орқали аризани тасдиқлаганидан сўнг, навбатдаги босқичга ўтилади. Ҳайдовчи томонидан тасдиқланганидан сўнг автомашина эгасига хизмат учун тўловни амалга ошириш учун инвойс шаклланиб, QR код ёки карта орқали тўловни амалга ошириш лозим бўлади. Шундан сўнг ариза Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан тасдиқлаш учун юборилади. Аризани тасдиқланиши ёки рад этилиши учун 5 иш куни белгиланган. Ариза тасдиқланганидан сўнг уни юборган шахс ўз электрон кабинети орқали кўриши ва юклаб олиши ҳам мумкин. Шу вақтдан бошлаб қоидабузарликлар учун белгиланган жарима баллари масъулиятни қабул қилган ҳайдовчига нисбатан қўлланилади.

-2



$$M + M = C$$

Фасллар алмашди, юз тутдик кузга,
Улғайдик, шўхликни ҳеч кўрмайман эп.
Эсимда, ҳў, ўша таниш теракка
Ёзгандим, М+М баробар С деб.

Юлдузлар осмонни оловранг қилиб,
Ойнинг яноғига ҳадя берар зеб.
Дарахт пўстигамас, билсанг юракка,
Ёзгандим, М+М баробар С деб.

Муҳаббатга соя солди айрилиқ,
Севганимга қолдим минг пушаймон еб.
Юрагимдан томган томчи қон билан,
Сўнг ёздим, М+М баробар С деб.

Мирзабек ШЕРБЕКОВ

Миллийликдан далолат қилар,
Дўппи кийиб олгин бошингга.
Кимлигингни узоқдан билар,
Дўппи кийиб олгин бошингга.

Ҳар миллатнинг ўз кийими бор,
Шунинг билан қилар ифтихор.
Фахрланиб сен ҳам, дўст-у ёр,
Дўппи кийиб олгин бошингга.


Боболар ҳам кийган дўппини,
Кийиб яна суйган дўппини.
Давом эттир бугун сен уни,
Дўппи кийиб олгин бошингга.

Бошинг омон, жонинг соғ бўлсин,
Ютуқларинг улкан тоғ бўлсин.
Она Ватан гуллаб боғ бўлсин,
Дўппи кийиб олгин бошингга.

Боқоний дер: кийган яйрашар,
Ҳамма ҳавас билан қарашар.
Ўзбегимга дўппи ярашар,
Дўппи кийиб олгин бошингга.

Отахон САФАРОВ,
Чирчиқ шаҳар Амир ўғли
Хасанбой жоме масжиди
имом ноиб

Дўппи кийиб олгин бошингга



Muassis:
Toshkent Viloyati Chirchiq Shahar
HOKIMLIGI



“Chirchiq tongi” gazetasi tahrir
hay'ati:

Murodjon ABDURAHIMOV
(tahrir hay'ati raisi)
G'afurjon MUHAMEDOV
Dilshod MANNONOV
Qahramonjon ZOIDOV
Ummatbek ABLABEKOV
Saodat MUSAYEVA
Ilhom ASADOV

Bosh muharrir:

Iroda
MUHAMMAZIZOVA

Gazetaga 1932-yilda asos solingan

2011-yil 22-avgustda Toshkent
viloyati Matbuot va axborot
boshqarmasida 03-024 raqam
bilan ro'yxatga olingan

Manziliimiz: 111700,
Toshkent viloyati, Chirchiq shahri,
Amir Temur ko'chasi, 1-uy, 409,
410, 411 va 412-xonalar

Adadi: 3700 nusxa.
Hajmi - 1,5 bosma taboq. Qog'oz
bichimi A-3. Ofset usulida bosilgan.
Bahosi kelishilgan narxda
ISSN 2181-7170

Telefonlar:
Qabulxona:
71-71-5-36-40.

E'lonlar va hisob-kitob
bo'limi:
71-71-5-00-14

Nashr indeksi: 64694

Topshirish vaqti-13.00.
Topshirildi-14.00.

Gazeta tahririyat kompyuter
markazida
Xatira YUSUPOVA,
Dilafroz SHAMSHIYEVA
tomonidan sahifalandi

Navbatchi:
Malika Riskidinova

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi
va muallifga qaytarilmaydi.
Reklama materiallaridagi dalillar va
faktlarga tahririyat javobgar emas

«NISO NASHRIYOT VA MATBAA
UYI» MCHJ bosmaxonasida chop
etildi.

Korxona manzili:
Toshkent viloyati, O'rta Chirchiq
tumani,
Mash'al mahallasi, Markaziy
ko'cha, 1-uy.
Buyurtma №

“ИСМИНГИЗ НИМА?”

Ҳикоя

Шаҳарнинг қоқ маркази-
даги метро бекати чиқишида
ҳар куни бир одам ўтиради.
Юзлаб йўловчилар уни кўра-
ди, аммо пайқамайди. Унинг
борлигини эғнидаги оқариб
кетган эски камзули ва ол-
дидаги бўш картон қоғозгина
билдириб туради. У ерга ти-
килганча, бир нуқтада тўхтаб
қолгандек кимирламайди.

Ҳар куни шу бекатдан ишга
қатнайдиған Жасурга у оддий
тиланчидек туюларди. Аммо
бир куни қариянинг ҳавода бар-
моғи билан формула ёзаётгани-
ни кўриб, тўхтаб қолди. Эртаси
куни эса картон орқасида мисол
ечаётганини пайқайди.

Метро эшиклари очилиб,
одамлар оқими ташқарига
отилди. Кимдир ишга шоша-
ди, кимдир телефонга тикилиб
кетади. Айримлар эса олдиға
танга ташлаб ўтади. Танганинг
картонга урилган қуруқ товуши
қариянинг ягона “суҳбатдоши”га
айланган.

Жасур журналист сифатида
ялтироқ ҳаётни эмас, одамлар
яширган ҳақиқатларни ёзи-
шни яхши кўради. Бир сафар шу
одамнинг ёнидан ўтаётганда
“Нега бошқалардек бепарво
ўтиб кетяпман?” деб ўйлади.

Аввал уни бир неча дақиқа
узоқдан кузатиб турди. Кейин
дўконга кирди. Бир дона иссиқ
булка нон билан қаҳва кўтариб
чикди. Қариянинг рўпарасига ке-
либ, бетон устига ўтирди. Иди-
шни унга узатди. Иссиқ буғ ҳавога
кўтарилди бошлади. Атрофдаги-
лар ҳайрон. Ўрта ёшли аёл қа-
дамини секинлатди. Икки йигит
орқасига бурилиб қараб қўйди.
Туппа-тузук йигит “тиланчи” би-
лан ёнма-ён ўтирибди дегандек.
Жасур отахон томонга энгашиб,
секин сўради:

— Ассалому алайкум. Сизга
бирор ёрдам керакми?

Қария бошини кўтармади,
фақат қўлларининг титраб тур-
гани кўринди.

— Исмингиз нима? — деб
сўради Жасур яна овозини па-
сайтириб.

Шошиб бошини кўтарган
отахоннинг кўзларида ҳайрат
чақнади. Йиллар давомида ҳеч
ким унга бу саволни бермаган-
ди. Қўллари билан стаканни


маҳкам сиқди. Узоқ вақт жавоб
беролмай турди. Кейин томоғи-
дан оғир бир ўкирик чиқди:

— Исм... Мени исминини сўра-
маганларига кўп бўлди.

У бошини кўтарди. Қадди би-

маслиги... Мана шу тириклайн
ўлишдир. Ҳеч ким бу эски камзул
ичида бир пайтлар талабаларга
маъруза ўқиган одам бор деб ўй-
ламайди.

Жасур ўша куни уйига қайтиб,



роз тикланди. Овози аввалгидан
қаттиқроқ чиқди.

— Менинг исмим... Искандар,
профессор Искандар Валиев, —
деди у хириллаб.

Улар узоқ суҳбатлашишди.

— Бир пайтлар маърузала-
римни эшитиш учун келган та-
лабалар залларга сиғмасди, —
гапини давом этди кекса ҳазин
овозда. — Мен рақамлар билан
коинотни тушунтирдим. Аммо
бир ҳисобни чиқара олмабман.
Тақдирнинг “ноль”га кўпайтири-
лишини.

У сўзларди, Жасур эса тинг-
ларди. Искандар амакининг ай-
тишича, бундан ўттиз йил олдин
илмий журналлар унинг мақола-
ларини босиш учун навбат ку-
тишган. Илмий ишлари, назария-
лари ўз вақтида катта шов-шувга
сабаб бўлган.

Искандар аканинг турмуш ўр-
тоғи вафот этгач, ишлари орқага
кетган. Бир йил ўтмай кафедра-
дан бўшаган. Кейин квартираси-
ни сотиб қарзларини ёлган. Ягона
ўғли эса чет элга кетиб, бедарак
йўқолган. Бу зарбалардан сўнг у
кўчада қолган.

— Биласизми, болам, — деди
Искандар амаки қаҳвадан бир
хўплаб, — очликка чидаса бўла-
ди. Совуқликка ҳам. Лекин шун-
ча одамнинг ичида кўринмай
қолиш ... Исмингни ҳеч ким айт-

“Биз кўрмайдиган дунё” номли
катта мақола ёзди. Унда про-
фессорнинг фожияси эмас, бал-
ки жамиятнинг “кўр”лиги ҳақида
сўз борарди. Кўчада одамларни
эмас, уларнинг кийимини, ис-
мини эмас, ташқи кўринишини
эслаб қолишимиз ҳақида ёзди.
Мақола тармоқларда тарқалиши
билан минглаб одамлар бир-би-
рига улашди. Фикр билдиришди,
бахслашди.

Орадан бир ҳафта ўтиб,
Жасур одатдагидек метро бе-
катига келди. У картонни кўриб,
тўхтаб қолди. Қария жойида
йўқ эди. Уч кун кидирди. Паноҳ-
гоҳлардан сўради, касалхона-
ларни айланди. Ҳеч ким аниқ
маълумот бермади. Фақат “Бун-
дайлар кўп”, дейишди. Тўртинчи
куни номаълум рақамдан кўнги-
роқ бўлди.

— Сиз Жасур-
мисиз? Сизни
бир отахон сўра-
япти.

— Ким у, қаер-
да? — деди у оғзи
куриб.

Нариги то-
мондаги аёл ен-
гил кулди:

— Мактабда.
Исмини айтма-
ди. Лекин “жур-
налист” йигитни

